

АКМАЛХОНОВ Акмалхон
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ўзбек тили ва мумтоз шарқ адабиёти
кафедраси ўқитувчиси,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори,
PhD

“МИФТОХУ-Л-УЛУМ” АСАРИДАГИ САРФ БЎЛИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ РАЗДЕЛА САРФ В ПРОИЗВЕДЕНИИ “МИФТАХУ- Л-УЛУМ”

PECULIARITIES OF THE SARF SECTION IN THE WORK “MIFTAHU-L-ULUM”

Аннотация: Саккокий “Мифтоҳу-л-улулм” асаридаги сарф бўлимининг ўзгачаликлари бир нечани ташкил қилади. Бунга далил ўлароқ улардан бири бўлган иштиқоқ қонунларидан кейин келган учта бобни айтиш мумкин. Булар олим томонидан қуйидагича номланган: “Биринчи фасл: Керакли натижалар (الناتج الواجبة); иккинчи фасл: Муҳим натижалар (الناتج الجائزة); учинчи фасл: Давом этмайдиган натижалар (الناتج غير المستمرة). Ҳар бир фасл номида “натижалар” сўзи келмоқда. Тилишунос бу фаслларнинг ҳар бирида сўзлардаги ҳарфларнинг ўрни борасида қарашларни мисоллар орқали келтирган.

Калит сўзлар: Саккокий, “Мифтоҳу-л-улулм”, сарф, наҳв, фасл, сўз, ўзак, ҳарф.

Аннотация: В произведении Саккоки «Мифтаху-л-улулм» есть несколько особенностей. В доказательство этого можно сказать об одной из них три главы, следующие правилам словообразования. Они названы ученым следующим образом: «Первый параграф: необходимые результаты (الناتج الواجبة); второй параграф: важные результаты (الناتج الجائزة); третий параграф: непостоянные результаты (الناتج غير المستمرة). Слово «результаты» появляется в названии каждого параграфа. В каждой из этих глав лингвист приводил свои взгляды о месте нахождения букв в словах примеров.

Ключевые слова: Саккоки, «Мифтаху-л-улулм», сарф, нахв, параграф, слово, корень, буква.

Annotation: There are several features in Sakkoki's work “Miftahu-l-ulum”. As proof of this, we can say

about one of them three chapters, which followed the rules of glory formation. They are named by the scholar as follows: “First paragraph: necessary results (الناتج الواجبة); second paragraph: important results (الناتج الجائزة); third paragraph: impermanent results (الناتج غير المستمرة). The word “results” appears in the title of each paragraph. In each of these chapters, the linguist gave his views on the location of letters in words in examples.

Key words: Sakkoki, “Miftahu-l-ulum”, sarf, nahv, paragraph, word, root, letter.

КИРИШ

“Мифтоҳу-л-улулм” асари араб тили грамматикасининг барча илмларини қамраб олганлиги билан бошқа шу соҳа манбаларидан ажралиб туради.

Сарф бўлимига кириш нималарни қамраб олганлиги борасида “Биринчи қисм 3 та фаслни ўз ичига олади. Булар:

1. Сарф илми ҳақиқати баёни ва уни тадқиқ қилишдаги эҳтиёж тушувчи қоидаларга изоҳ.

2. Унга етиб бориш усули.

3. Мақсад билан боғлиқ бўлган етарли ҳолат”, деб ёзган эди Саккокий [1, 3а].

Сарф илмига муқаддима ўлароқ Саккокий томонидан келтирилган юқоридаги каби ёндашув бошқа соҳага оид ҳеч бир манбада кузатилмайди. Бу Саккокийнинг асар мантиқий изчилликка, чуқур хулосаларга асосланган қарашга эга эканлигини кўрсатиб келади. Саккокий бу мавзулар доирасида сўзни ташкил қилувчи энг кичик бирлик ҳарф ҳақида баҳс юритиб, ўзидан олдинги олимларнинг бу борадаги қарашларига таянган ҳолда, араб тилидаги ҳарфларнинг қуйидаги турларга тақсимлайди:

“Билингки, араб тилида 29 та ҳарф бўлиб, жарангли (الحروف المجورة) мажхур) ва жарангсизга (الحروف المهموسة) махмус) бўлинади”, деб биринчи тақсимотда ҳарфларнинг аниқ сонини баён қилган [3, 1b]. Сибавайҳи, Махмуд Замахшарийлар ҳам 29 та ҳарф эканлигини таъкидлаганлар [339 :8 ;431 :5]. Даставвал, ҳарфлар сонини келтирилиши “alif” ва “hamza” алоҳида мустақил ҳарф эканлиги билдириш кўзда тутилган. Ўз ўрнида ҳарфларнинг сони 28 та деб айтувчиларга раддия ўлароқ араб тилида ҳарф 29 та эканлигини билдириш ҳисобланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Саккокий асарини қисмларга бўлганидан кейин, мавзуларни боб ва фаслларга ажратиб ёритган. Олим сарф қисмини уч боб, ўн тўққизта фасл ва ўн уч турга тақсимлаган.

Саккокий биринчи бобни сарф илмининг таркибий қисми бўлган иштиқоққа бағишлаган. Бу бобда иштиқоқ нима эканлигини тушунтириш учун ўзига хос бўлган усулда мавзуни баён қилган. Саккокий иштиқоқда аввалги ва кейинги олимларда учрамайдиган тизимли иштиқоқ қонунларини ишлаб чиқиб, айнан шу бобда келтирган. Қолган олимларда бу каби ёндашув кузатилмайди. Бунга далил ўлароқ иштиқоқ қонунларидан кейин Саккокий келтирган учта бобни айтиш мумкин. Булар Саккокий томонидан қуйидагича номланган: “Биринчи фасл: Керакли натижалар ((الناتج الواجبة) [7, 1a]; иккинчи фасл: Муҳим натижалар ((الناتج) [8, 1a]; учинчи фасл: Давом этмайдиган натижалар ҳақида ((الناتج غير المستمرة) [8, 1b]. Ҳар бир фасл номида “натижалар” сўзи келмоқда. Саккокий томонидан бу фаслларнинг ҳар бирида сўзлардаги ҳарфларнинг ўрни борасида қарашлар мисоллар орқали келтирилган. Келтирилган мисоллар Саккокий қарашларининг натижаларини олиб келгани учун ҳам юқоридаги номларда акс этган.

Ушбу фаслларда Саккокий “alif”, “vāv” ва “yā” ҳарфларида бўладиган морфологик ҳодисаларга тўхталиб, чуқур илмий қарашларини баён қилган. Ҳарфларнинг ўзаро алмашиб келиши, зиёда бўлиши, сон категориясида содир бўладиган ўзгаришлар ҳақида баҳс қилган.

Саккокий биринчи фаслда “vāv” ва “yā” ҳарфларининг алмашиб келиш ўринларига тўхталиб: “Атоқли отлардан ташқари, أفعال қолипидан бошқасида “vāv” [бошқасига алмашмаган] асл “vāv” дан олдин келиб, сукунланган ҳолда, кичрайтиришда (تصغير) “vāv” аввалги ҳолатдагидек икки ундошли ўзакда иккинчи ҳарф бўлмасдан учунчи ҳарф бўлса, “vāv” ни ي “yā” га алмаштирилади,” деб ёзган [7, 1a].

Саккокийнинг бу қараши бир неча шартларни қамраб олганлиги билан мураккабдир. Бу мураккаблик тушунишда қийинчиликка олиб боради. Саккокий бунда “vāv” ҳарфи “yā” алмашишдаги шартларни

баён қилди. Мазкур ҳарфлар алмашиши учун биринчи шарт атоқли отга ва أفعال қолипига мансуб бўлмаслиги, ўзакни ташкил қилувчи ҳарфлардан бири бўлган “vāv” кейин келиб, сукунли “vāv” сўзда учинчи ҳарф бўлиши, кичрайтма от ҳосил қилганда, “vāv” ҳарфи “yā” га алмаштирилади.

Саккокий қийин шартларни ичига олган қонидани мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги бир неча мисолни келтирган. Улар:

سَيُّوْدٌ → سَيِّوْدٌ – (бошқарувчи)

أَيَّوَامٌ → أَيَّوَامٌ – (кунлар)

دَلِّيُوَّةٌ → دَلِّيُوَّةٌ – (кичкина челак) [7, 1a].

Иккинчи фаслда кичрайтма отлардаги асл ҳарфнинг тушиб қилиши ҳақида баҳс қилади. Жумаладан, Саккокий: “Кетма-кет келишидаги жоиз натижаларда тасғир (кичрайтма сўз ҳосил қилиш)нинг “yā” (ي) (дан кейин сўз охирида бўлмаган “vāv” (و) ҳарфи “yā” га алмашади,” деб ёзган [8, 1a]. Бу баён қилинаётган қоида таркибида “vāv” ўзакни ташкил қилувчи ҳарф бўлган сўзларга оиддир. Ушбу қоидага кўра шундай сўзлардан кичрайтма сўз ҳосил қилинганда, зиёда бўлган “yā” сабабли асл ҳарф “vāv” унга (“yā” га) алмашади. Бу юқоридек мураккаб бўлиб, мисол билан тушуниш анча осон бўлади. Шу эътибордан Саккокий қуйидаги мисолларни келтиради:

جدول → جدول → جدول – (кичкина ариқ)

أسود → أسود → أسود – (кичик қора) [8, 1a].

Келтирилган мисоллардан маълум бўладики, асл ҳарф бўлиб, зиёда ҳарф билан алмашиш содир бўлади. Бу муайян қоидалар асосида бўлади. Бу каби ҳолат исм туркумига хос ҳисобланади.

Учинчи фаслда ҳам Саккокий алмашинувчи ҳарфлар ҳақида фикрини давом эттириб: “Икки марта такрорланувчи ҳарфнинг бири “yā” га алмашади,” деб ёзган. Бу каби ҳолат, одатда, алмаштирилмасдан ҳам қўлланади. Саккокий эса, иккита бир хил ҳарф келиб қолса, тўрт ўзакли сўзларнинг иккиланган шаклида бўлса, иккинчи такрорланаётган ҳарф “yā” га алмашишини айтмоқда. Олим қуйидаги сўзларни мисол ўлароқ келтиради:

دُدْمَالَتْدِم → دُدْمَالَتْدِم – (думалатдим)

تَلْعَت → تَلْعَت – (ҳайвонга қарадим) [8, 1b].

Саккокий ҳар бир фаслда шунга ўхшаш муҳим ва мураккаб бўлган қоидаларни келтирган.

Араб тили грамматикасининг дастлабки ва қолган барча асарлар асос вазифасини ўтаган манба Абу Бишр Амр ибн Усмон ибн Қанбарнинг (765-796) “Китоб Сибавайҳи” (كتاب سيوييه) асари ҳисобланади. У Сибавайҳи номи билан машҳур бўлиб, асари соҳа мутахассислари ўртасида “ал-китоб” номи билан танилган. Сибавайҳи асаридаги мавзуларни “боб” (باب) деб номлаб, ҳар бир боб муайян масалага қаратилган. Сибавайҳи биринчи бобни “Бу араб тилида сўзни билишга қаратилган илм боби” (هذا باب علم ما الكلم من العربية) деб номлаб, бу мавзу доирасида сўз туркумлари, уларнинг синтактик ҳодисаларда ўзгармаслигини ёритган [12:4]. Сибавайҳи кейинги мавзулар давомида сўзларнинг келиши ва майлларда ўзгариши борасида баҳс қилади.

Сибавайҳи Саккокий алоҳида ном остида келтирган юқоридаги мавзуларни асарининг охирида “Бу зиёда бўлувчи ҳарфларни билиш боби” (هذا باب حروف الزوائد) ва “Бу алмашувчи ҳарфлар боби” (هذا باب حروف البدل) мавзулари остида “alif”, “vāv” ва “yā” ва бошқа ушбу ҳодисаларда иштирок этувчи ҳарфлар ҳақида қарашларини баён қилган [235-242:5]. Сибавайҳи бу мавзу доирасида учинчи асл ҳарф бўлиб келган “vāv” ҳарфи “yā” га алмашишига тўхталмаган [5: 238-239]. Шунингдек, олим ҳарфларнинг алмашишига кўп мисоллар келтирган. Саккокий шартларни ичига олган қоидаларни келтириши билан Сибавайҳидан ажралиб туради.

Сибавайҳи келтирган охириги мавзуни Саккокий асарининг бошида келтириши сабабларидан бири сўзни сарф илмида тадқиқ қилаётганлигидан ҳисоблаш мумкин. Саккокий сарф илмига муқаддима ўлароқ ҳарф ҳақидаги мавзуларни келтирди.

Араб тили грамматикасида муҳим ҳисобланувчи араб бўлмаган олимлар томонидан ёзилган асарлар кўпчиликти ташкил қилади. Шундай мукамал асарлардан бири Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Замахшарийнинг (1075-1144) “Эъроб ҳосил қилиш бўйича муфассал [китоб]” (المفصل في صنعة الإعراب) асари ҳисобланади. Маҳмуд Замахшарий асарининг биринчи қисмида исмлар, уларнинг турлари, келишида ўзгарувчи сўзлар ҳақида баҳс қилган [9-20:8]. Сибавайҳига эргашган ҳолда фонетика қисмини “Идғом” (الإدغام) деб номлаб, асарининг охирида ёритган [338:8].

Маҳмуд Замахшарий ҳам Сибавайҳи усулидек, ушбу мавзуларни ёритган. Ҳарфларнинг зиёда бўлиши, алмашишига доир қарашларини асарининг тўртинчи қисмининг еттинчи ва саккизинчи бобларида (الباب السابع: (زيادة الحروف، الבלب الثامن: إبدال الحروف) келтирган [8:310-322].

Саккокий келтирган юқоридаги уч фасл бошқа бирор манбада кузатилмайди. Бу уч фасл ўздан кейин келаётган асл ва зиёда ҳарф баён қилинган мавзуларнинг муқаддимаси ҳисобланади. Қолган олимларда бундай ёндашув усули учрамайди. Олим мураккаб деб ҳисоблаган мавзуларни ўқувчига осонлаштириш мақсадида мантикийликка асосланган ўзгача фаслларни келтирган. Сибавайҳи ва Замахшарий келтирган мавзуларни Саккокий “Асл ҳарф ўринлари” (في بيان مواضع الأصالة) [1, 9b] ва “Зиёда бўлувчи ҳарф ўринлари” (في بيان مواضع الزيادة) номи остида баён қилган [10, 1a].

Саккокий “Асл ҳарф ўринлари” (في بيان مواضع الأصالة) мавзуси остида қуйидагиларни ёзди:

و هي الأول من كل كلمة لا تصلح لزيادة الواو، فواو ورنتل أصل، وهو والحشو منها للام، فلام نحو لهزم وقلع أصل والآخر أيضا له إلا في عبدل وزيدل وفحجل، وفي حيقل وطيسل وفيشلة احتمال، وأما نحو: ذلك هنالك و أولالك فليس عندي بمنظور فيه

Мазмуни: “Ҳар бир сўзда биринчи ўзакнинг асл ҳарфи ўрнида нинг зиёда бўлиб келиши сўз ясалишида тўғри эмас. Қуйидаги: ورنتل - (фалокат) сўзида эса биринчи асл ўзак ҳарф “vāv” дир. Шунингдек, حشو - (тўлғазиш) сўзида “vāv” учинчи асл ўзак ҳарф бўлиб келган. اللام - “lām” ҳарфига келсак, لهزم - (кесмок), قلع - (суви куриб, қотиб қолган лой) бу сўзларидаги иккинчи ҳарф бўлиб келаётган “lām” асл ўзак ҳарфдир. Сўз охирида келаётган “lām” ҳарфи асл ўзак ҳарф бўлиб келади. عبدل - (қул), زيدل - (Зайд), فحجل - (оёғи эгри) сўзлари бундан мустасно. Шундай сўзлар ҳам борки, улардаги ушбу ҳарфнинг асл ёки зиёдалилиги тортишувлидир. Булар: هيقل - (туяқуш), طيسل - (тўп, жамлама), فيشلة - (мақташ). (ўшалар) - اولالك, (ўша ерда), - هنالك, (ўша, мз) - ذلك менинг фикримча, ушбу сўзларидаги “lām” асл ўзак ҳарф эмас” [9, 1b].

Ибн Жинний сўзнинг асл ўзак ҳарфи ҳақида: “Сўз ҳосил қилувчилар қарашида сўзнинг асл ўзак ҳарфлари бир бутунлиқдир. Бу бир бутунлиқ қолип асосида турли сўзлар ясалишида иштирок этади ва бу (бутунлиқ) асл ўзак ҳарфлар ҳисобланади. Янги сўз ҳосил

килиниб, талаффузи қийин бўлиб қолган ҳолда, ушбу асл ўзак ҳарфлар тушиб қолиши ҳам мумкин”, - деб ёзган эди [3 :2].

Араб тилшунослари орасида машҳур бўлган Ибн Қатто Сақлий асл ҳарфлар борасида шундай ёзган эди: “Исм туркуми иккига бўлинади: الاسم المتكّن و غير المتكّن, яъни келишиқда турланувчи ва келишиқда турланмайдиган. Келишиқда турланадиган исмда асл ўзак ҳарфлари учтадан оз бўлмайди. Араб тилида уч асл ўзакли сўзлар кўпдир. Тўрт асл ўзак ҳарфдан ҳам иборат бўлади, лекин бундай сўзлар аввалгисидан оз бўлади. Сўз беш асл ўзак ҳарфдан иборат бўлади ва булар тўрт асл ўзак ҳарфдан иборат сўзлардан оздир. Араб тилида бундан ортиқ асл ўзакли сўз бўлмайди. Икки ўзак ҳарфли, уч ўзак ҳарфли, тўрт ўзак ҳарфли сўзлар зиёда ҳарфлар билан қўшилиб келганда етти ҳарфдан ошмайди” [93 :6].

Сўз ясалишида асл ўзак ҳарфнинг ўрнини билиш сўзнинг маъносини, гапда қандай вазифада келаётганини билиб олишда катта аҳамиятга эга. Саккокий сўздаги аслий ҳарфларни аниқлаб олишни қайси ҳарф қайси ўринда асл ҳарф бўлиб кела олмаслигидан бошлади. Биринчи бошланган ҳарф “vāv” дир. Чунки бу ҳарф иллатли бўлиб, зиёда, бадал, идғом ҳодисаларида катта ўрин тутати. Олимнинг таъкидлашича, у тил ҳодисаларининг фаол иштирикчиси ҳисобланиб, сўз бошида зиёда ҳарф сифатида кела олмайди. Ибн Жинний ушбу ҳарф ҳақида; “vāv” ҳарфи асл, зиёда ва бадал ҳарф бўлиб кела олади. Асл ўзак ҳарф сифатида сўзнинг боши, ўртаси, охирида келади”, - деб ёзган [573 :3]. Демак, ушбу ҳарф сўз бошида келса, у асл ўзак ҳарф ҳисобланади.

“Зиёда бўлувчи ҳарф ўринлари” (في بيان) номи остида эса: “Уч ўзак ундошдан иборат бўлган сўзда ي , ء , шунингдек, م (“hamza”, “yā”, “mīm”) ҳарфларининг асл ўзак ундош бўлиб келиши тўғри эмас. Лекин кўп ҳолларда зиёда ҳарф бўлиб келади, бироқ қуйидаги сўзларда ушбу ҳарфлар асл ҳарф бўлиб келган: أوائل – (“биринчилар”), إصبع – (“бармоқ”), يعفر – (“чанг бостириш”), مذحج – (қабила номи) [10 ,1a].

Олим мавзуни ёритишни энг содда ҳолатдан бошлади. Унингча, бирон-бир сўзда учта иккиланмаган ҳарф бўлса, демак, бу сўзнинг зиёда ҳарфи йўқ. Чунки, араб тилида

икки ҳарфдан иборат сўзнинг ўзи мавжуд эмас [61 :7].

Машҳур тилшунос Сибавайҳи: “Агар зиёда ҳарфлар сўзнинг охирида, тўртинчи ҳарфи бўлса, у албатта зиёда бўлади. Туб сўзларда зиёда ҳарф қатнашмайди. Ҳарфнинг зиёда ёки асл эканлиги суқун билан боғлиқдир [5: 307]. Агар сўз тўрт ҳарфли бўлса, улардан бири зиёда ҳарф бўлади. Бу ҳолатда истиснолар ҳам бор. Саккокий буларга مذهب , يضر , إصبع , أوائل сўзларини мисол қилиб келтиради.

Саккокий ўз фикрида давом этиб, қуйидагиларни ёзган: “Юқорида айтилганидек, аксарият ҳолларда ушбу ҳарфлар (“hamza”, “yā”, “mīm”) зиёда ҳарф бўлиб келади. Юқоридаги айтган фикримдан сўздаги асл ҳарфларни билиш усули: улардан зиёда ҳарфларни чиқариш ёки зиёда ҳарфларнинг келиш ўринларини билиб олиш” [10 ,1a].

Олим бу ўринда муҳим хулосани келтириб ўтпти. Бу сўздаги асл ва зиёда ҳарф ўринларидир. Агар сўздаги асл ҳарфлар маълум бўлса, зиёда ҳарф ўз-ўзидан ажралиб чиқади. Зиёда ҳарф ўринлари билиб олинса, асл ҳарфлар маълум бўлади. Олим айна ҳарфларга эътибор қаратганлиги сўз ясалишида уларнинг аҳамияти муҳим эканлигидан далолат беради.

Араб тилида аксарият сўзнинг ўзаги уч ундошли бўлади, чунки уч ўзакли сўзлар жуда кўп. Олим: “Ўзакнинг биринчи ундоши “vāv” бўлиб келишидан ташқари lin (чўзиб талаффуз қилувчи “vāv” ва “yā”) ҳарфларининг ўзак таркибида келиши тўғри эмас. Мисол: كاهل (“елка”), غزال – (“кийик”), علفي – (“алқо” ҳар қачон яшил рангга бурканиб турувчи дарахт), ضيغ – (“жағи кенг шер”), عثير – (“ғубор”), عوسج – (“тиканли бута”), خروج – (“эгилувчан ўсимлик”),” деб ёзган [10 ,1a]. Бу сўзлардаги “alif” ва lin ҳарфлари (“vāv” ва “yā”) асл эмас, зиёда ҳарфлардир.

Саккокий “vāv”, “yā”, “alif” ҳарфларига тўхталиб, уч ундошдан иборат сўзларда ушбу ҳарфлар биринчи ўзак ҳарф ўрнидан бошқа ўринларда асл ўзак ҳарф бўлиши тўғри эмаслигини таъкидлаган. Бунга мисол сифатида: عذافر – (катта жуссали шер), سرداح – (баланд бўйли урғочи туя), حبركى – (бўйни йўғон киши), سميدع – (саҳоватли), غرنيق – (оққуш), فدوكس – (шиддатли шер), فردوس – (Фирдавс), قبعثرى – (катта жуссали туя), خزعبيل – (гапдаги

ёлгон), عصفور – (майда нозик ҳайвон). Ушбу сўзларда юқорида келтирилган ҳарфлар зиёда ҳарф ҳисобланади. Уларда ўзак ҳарфлари учтадан кўп бўлгани учун, “vāv”, “uā”, “alif” биринчи ҳарф бўлмагани учун ҳам зиёда ҳарф ҳисобланади [10, 1a].

Ҳарфларнинг зиёда, асл, бадал ўринларини мукаммал ўрганган тилшунос Ибн Жинний “vāv” ҳарфи битта сўзда биринчи ўзак ва учинчи ўзак ундош бўлиб кела олмаслигини айтади [42: 596]. Шунингдек, Ибн Жинний “alif” ҳақида “Туб сўзларда келган сукунли “alif”, яъни сўз охирида келган ушбу ҳарф асл ҳарф ҳисобланиб, қолган ўринларда зиёда ҳарф бўлади. У لا-йўқ, ما-нима, حتى-гача сингари сўз ва қўшимчалардаги “alif”ни асл ўзак ҳарфдир,” деб айтган эди [653 :3]. Ясама сўзлардаги “alif” нинг бари қайси ўринда келишидан қатъи назар зиёда ҳарфдир.

ХУЛОСА

Яна шундай ҳолат ҳам бўлиши мумкин: бир ҳарф икки ўринда келиб, бири асл, иккинчиси зиёда бўлиш ҳолати. Бунга юқоридаги , ترتب سўзлари мисол бўла олади. Ёки икки асл ҳарфнинг ана шундай ҳарф билан ёндош келиш ҳолати: محبب - (дона-дона), مكوزة – (чўзиқ калла) сўзларидаги сингари.

Юқорида келтирилган ўқувчи учун мураккаб ҳисобланувчи ҳолатларга дуч келганда қандай йўл тутиш кераклигини Саккокий ўз тажрибаларига таянган ҳолда баён қилади. Бу каби ҳолатда тўғриси топиш фақат билимга асосланган тажриба орқали бўлиши олим томонидан алоҳида таъкидланади. Энг тўғри деб билишдаги қонун- бу аввало иштиқоқнинг ўхшашига эътибор қаратишдир.

Саккокий ўз асарида мисол қилиб келтирган сўзларнинг кўпи ҳозирги араб тилида унутилган. Шунинг учун ҳам ҳозирги араблар уларни илғаб олиши қийин. Улар классик араб тилига хос хусусиятлардир.

Олим “Мифтоҳу-л-улум” асарини ҳар бир бўлимини алоҳида ёндашув асосида ёзганлиги мавзун баён қилишдаги ўзгачаликлардан билиб олиш мумкин. Бу ўзгачаликлар асарнинг соҳа манбалари ичида алоҳида эътиборга молик эканлигини исботлайди ва ўқувчини ўзига чорлайди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Имом Аба Яъқуб Юсуф ибн Абу Бакр ибн Маҳаммад Саккокий. Мифтоҳу-л-улум. – Анқара: Ankara Milli Kütüphanesi. Қўлёзма 26 Нк 192 рақам. – 244 в.
2. Абу Фаттоҳ Усмон ибн Жинний. Мухтасар ат-тасриф. – Қоҳира, 2005. – 24 б.
3. Абу Фаттоҳ Усмон ибн Жинний. Сир синоот ал-эъроб. – Қоҳира, 2005. – 969 б.
4. Абу Бишр Амр ибн Усмон. Китаб Сибавайҳ. Жуз аввал. – Байрут, йили кўрсатилмаган. – 446 б.
5. Абу Бишр Амр ибн Усмон. Китаб Сибавайҳ. Жуз рабиъ. – Қоҳира, 1988. – 564 б.
6. Ибн Қаттон Сақлий. Абнийат ал-асмо, ал-афъол, ал-масодир. – Қоҳира, 1999. 528 б.
7. Шайх Мустофа Ғалайиний. Жамий ад-дурус ал-арабия. – Байрут, 2010. – 847 б.
8. Маҳмуд ибн Умар Замахшарий. Ал-Муфасссал фи санъат ал-эъроб. – Қоҳира, 2013. – 395 б.